

## СИЁСИЙ ВА ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ - ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ АСОСИ



<https://doi.org/10.24412/2181-1784-2022-23-976-984>

**Жамалова Гулнора Гуломовна**

Тошкент давлат иқтисодиёт университети

Сиёсий фанлар номзоди, доцент

[jamalova.gulnora64@gmail.com](mailto:jamalova.gulnora64@gmail.com)

### АННОТАЦИЯ

*Бугун мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг пировард мақсади - ҳуқуқий демократик давлат, фуқаролик жамияти барпо этиши ва комил инсонни тарбиялашдан иборатдир. Ислохотларнинг муваффақияти, авваламбор, мамлакатимизни янада демократлаштириши ва либераллаштириши йўлидаги саъй-ҳаракатларимиз суръатига, фуқароларимизнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигига, уларнинг сиёсий ва ҳуқуқий маданиятининг юксаклигига бевосита боғлиқдир. Ушбу мақолада фуқароларнинг қонунчиликда бўлаётган ўзгаришлар юзасидан уларнинг билимларини ошириши, шахс сиёсий-ҳуқуқий онги ва фаолиятининг ривожланишига яратилаётган имкониятлар ва бу борада фуқаролик жамияти институтларнинг таъсири ўрганилади.*

**Калит сўзлар:** фуқаролик жамияти, бошқарув жараёни, қонунчилик, демократик институтлар, оммавий ахборот воситалари, ҳуқуқий маданият.

### ABSTRACT

*The ultimate goal of the reforms being carried out in our country today is to build a democratic state governed by the rule of law, civil society and the education of the perfect human being. The success of the reforms depends, first of all, on the pace of our efforts to further democratize and liberalize our country, the socio-political activeness of our citizens, the high level of their political and legal culture. This article examines the opportunities for citizens to increase their knowledge about changes in the legislation, the development of political and legal consciousness and activities of the individual, and the impact of civil society institutions in this regard.*

**Keywords:** civil society, governance process, legislation, democratic institutions, media, legal culture.

### АННОТАЦИЯ

*Конечной целью реформ, проводимых сегодня в нашей стране, является построение демократического правового государства, гражданского*

*общества и воспитания совершенного человека. Успех реформ зависит, прежде всего, от темпов наших усилий по дальнейшей демократизации и либерализации нашей страны, общественно-политической активности наших граждан, высокого уровня их политической и правовой культуры. В данной статье рассматриваются возможности повышения информированности граждан об изменениях в законодательстве, развитии политико-правового сознания и деятельности личности, а также влияние в этой связи институтов гражданского общества.*

**Ключевые слова:** гражданское общество, процесс управления, законодательство, демократические институты, СМИ, правовая культура.

### **КИРИШ**

Фуқаролик жамиятида демократик институтларнинг мавжудлиги ва унинг мустақамланиб бориши – фуқаролар сиёсий онги ва маданиятини шакллантиришнинг ҳал қилувчи шартидир. Бундай фуқаролик жамияти сиёсий тизими шахс сиёсий-ҳуқуқий онги ва фаолиятининг ривожланишига кенг имкониятлар яратади, уни рағбатлантиради. Жамият сиёсий тизими қанчалик демократик бўлса, инсон сиёсий ҳаётда, фуқаролик жамияти қурилишида шунчалик фаол иштирок этади.

Бугунги кунда мамлакатимиз ривожланишида амалга оширилаётган узок муддатли стратегик мақсадлар, яъни замонавий ривожланган демократик давлатлар қаторига кириш, халқимизнинг ҳаёт сифатини яхшилаш ва жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллаш борасидаги саъй-ҳаракатларимизга бугунги кун нуқтаи назаридан ҳолисона баҳо беришимиз табиийдир.

Демократик жамиятнинг муҳим тамойилларидан бири нодавлат ноижорат ташкилотларининг мавжудлиги ва фаолият кўрсатиши билан белгиланади. Турли хилдаги нодавлат ноижорат ташкилотлари фуқаролар фаоллиги, миллий ўзликни англаш, жамият аъзоларининг сиёсий маданияти ва юксак маънавиятининг ортиб боришига кўмаклашади.

Фуқаролик жамияти институтлари, нодавлат ноижорат ташкилотлари ҳозирги кунда демократик кадриятлар, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг муҳим омилига айланмоқда, фуқароларнинг ўз салоҳиятларини рўёбга чиқариши, уларнинг ижтимоий-иқтисодий фаоллиги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш учун шароит яратмоқда, жамиятда манфаатлар мувозанатини таъминлашга кўмаклашмоқда. Давлат ва жамият қурилишини изчил асосда демократлаштирмасдан, мустақил суд тизимини таъминламасдан туриб, бозор ислохотларини амалга ошириш ва

иқтисодиётни либераллаштиришга эришиб бўлмайди. Бу эса сўз ва ахборот эркинлиги, сайлов эркинлигини таъминлаш ва сайлов тизимини ривожлантириш, фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш ва ривожлантириш, энг муҳими фуқароларимизнинг сиёсий онги, ижтимоий-иқтисодий фаоллиги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш масалаларига ҳам бирдек дахлдордир. Жамият иқтисодиётининг ривожланиши фуқаролик жамиятининг билимдон, малакали, касбий тайёргарликка эга бўлган бошқарув кадрларининг шаклланиши учун зарур база бўлиб хизмат қилади. Иқтисодиётнинг тараққий этиши, халқнинг фаровонликка эришуви – сиёсий ва маданий шаклланишининг асосий шартларидан биридир.

### АДАБИЁТЛАРНИНГ ТАҲЛИЛИ

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг дастлабки кунлариданоқ мамлакатимизда нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини ташкил этиш ва улар фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Бугун бундай ташкилотлар демократик кадриятлар, инсон ҳуқуқлари, эркинлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, фуқароларнинг ижтимоий-иқтисодий фаоллиги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда. Жамиятимиз аъзолари тафаккурида, сиёсий хулқ-атворида демократик кадриятларнинг чуқур илдиз отиб боришига ёрдам берувчи, халқимиз сиёсий маданиятининг юксалишига улкан асос бўлиб хизмат қилувчи фуқаролик жамияти маънавиятини шакллантириш ғояси ўз аксини топмоқда.

Бунда миллий кадриятларнинг ўрни ниҳоятда каттадир. Шу жиҳатдан олиб қараганда, бой маънавий маданият, ноёб миллий кадриятлар, бебаҳо сиёсий, ҳуқуқий, иқтисодий ва фалсафий таълимотлардан баҳра олиб шаклланишида мамлакатимизнинг миллий истиқлол ғояси муҳим ўрин эгалламоқда. Миллий сиёсий маданият ўзлигимизни, муқаддас анъаналаримизни англаш туйғуларини, халқимизнинг кўп асрлар давомида шаклланган эзгу орзуларини, жамиятимиз олдида бугун қўйилган олий мақсад ва вазифаларни, унга ишонч ва эътиқодни ҳам қамраб олади. Ҳақиқатдан ҳам, жамиятимизнинг миллий сиёсий маданияти ўзининг мана шу хислатлари билан фуқароларнинг сиёсий фаоллигини ошириш ва ривожланишида асосий маънавий озик бўлиб хизмат қилади. Чунки сиёсий-ҳуқуқий маданият айни пайтда ҳар бир фуқаронинг аниқ масала асосида, у ўзи яшайдиган кадриятлар ва сиёсий маданиятлар асосида шаклланади.

Бу борада 2019 йилда Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан “Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги фармон имзоланди. Ушбу фармонга кўра фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш мақсадида бир қатор вазифалар, ҳуқуқий иммунитетни сақлаш, жамиятда фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини оширишда мавжуд бўлган тўсиқлар ва камчиликларни бартараф этиш йўллари ҳамда мақсадлар белгилаб берилган.

“...Аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга доир ишлар самарадорлигини янада такомиллаштириш, фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар билан уйғун равишда ҳуқуқий билимларини ошириб боришнинг замонавий усулларини жорий этиш, шунингдек, аҳолини, айниқса, ёшларни зарарли ахборотлардан ҳимоя қилиш бўйича мустаҳкам ҳуқуқий иммунитетни шакллантириш мақсадида:

аҳолига мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар, қабул қилинаётган қонун ҳужжатлари ва давлат дастурларининг мазмуни ва моҳиятини изчил етказиш тизимини шакллантириш, фуқаролар онгида “Жамиятда қонунларга ҳурмат руҳини қарор топтириш – демократик ҳуқуқий давлат куришнинг гаровидир!” деган ҳаётий ғояни мустаҳкамлаш;

жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтиришда, энг аввало, таълим-тарбиянинг тизимли ва узвий равишда олиб борилишига алоҳида эътибор қаратиш, мактабгача таълим тизимидан бошлаб, аҳолининг барча қатламларига ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни чуқур сингдириш, шахсий манфаатлар ҳамда жамият манфаатлари ўртасидаги мувозанатни сақлаш ғояларини кенг тарғиб қилиш;

ёш авлод онгига ҳуқуқ ва бурч, ҳалоллик ва поклик тушунчаларини ҳамда одоб-ахлоқ нормаларини чуқур сингдириб бориш, конституциянинг муҳим жиҳатларини уларга болалигидан бошлаб ўргатиш;

аҳоли ўртасида ҳуқуқий маданиятни шакллантириш бўйича ҳуқуқий-маърифий тадбирларни халқимиз тарихи, дини, миллий қадриятларини ўргатиш билан уйғун ҳолда ташкил қилиш, шунингдек, ҳар бир фуқарода давлат рамзлари билан фахрланиш туйғуларини шакллантириш орқали мамлакатга дахлдорлик, ватанпарварлик ҳиссини кучайтириш;

давлат хизматчиларининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириб бориш, уларда коррупция ва бошқа ҳуқуқбузарликларга нисбатан мурасасизлик муносабатини шакллантириш;

давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, шу жумладан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ҳамда фуқаролик жамияти институтларининг манзилли ҳуқуқий тарғиботни амалга ошириш борасидаги ўзаро ҳамкорлигини мустаҳкамлаш;

жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни оширишга доир тадбирларни ташкил этишда ижтимоий шериклик принципларидан кенг ва унумли фойдаланишни тизимли асосда йўлга қўйиш;

оммавий ахборот воситаларининг ҳуқуқий ахборот билан таъминлашдаги ролини ошириш, ҳуқуқий тарғиботнинг инновацион усулларидан кенг фойдаланиш, шу жумладан, веб-технологияларни қўллашни кенгайтириш;

юримдик таълимни такомиллаштириш, шунингдек, юримдик кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини ривожлантириш;

жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтиришнинг илмий асосларини чуқур тадқиқ этиш” каби устувор йўналишлар белгиланган. [1]

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида нодавлат ва ноижорат ташкилотларининг ҳуқуқий мақоми мустаҳкамланган бўлиб, жумладан, 56-моддасида қонунда белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган касаба уюшмалари, сиёсий партиялар, олимларнинг жамиятлари, хотин-қизлар, фахрийлар ва ёшлар ташкилотлари, ижодий уюшмалар, оммавий ҳаракатлар ва фуқароларнинг бошқа уюшмалари жамоат бирлашмалари сифатида эътироф этилади. Шу ўринда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 34-моддасида «Ўзбекистон Республикаси фуқаролари касаба уюшмалари, сиёсий партияларга ва бошқа жамоат бирлашмаларига уюшиш, оммавий ҳаракатларда иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар» каби фуқаролик жамияти институтларида иштирок этишини кафолатлайдиган ҳуқуқий асослар эътироф этилган. [2]

2019 йилда ўтказилган сўровномаларда “Мамлакатимизда ҳуқуқ соҳасидаги янгиликлардан кўпроқ қайси восита орқали хабардор бўласиз?” деган мазмундаги саволга ушбу сўровнома бўйича иштирок этган респондентларнинг 46,6% телевидениедан, 33,1% Интернетдан, 7,5% ижтимоий тармоқлардан, 7,3% “Ҳуқуқий ахборот” телеграмм каналидан, 2,8% босма ОАВдан, 2,2% радиодан, 0,6% эса бошқа манбаалардан хабардор бўлишлари ҳақида маълумот берган. [3]

Ҳар қандай демократик ислохотлар самараси, тинчлик ва тараққиётнинг асосий гарови ҳам Конституция ва қонун устуворлиги таъминланиши билан бевосита боғлиқ.

Қонун устуворлиги – бу давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари чиқараётган ҳужжатлар, мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракатлари фақат ва фақат Конституция ҳамда қонунларга мувофиқ бўлиши шарт, деганидир.[4]

Ҳуқуқий-демократия алоқасининг яна бир муҳим жиҳати шундаки, қонун устуворлиги тор, расмий маънода эмас, балки кенг, мақсадли маънода таърифланган бўлса, демократия ва қонун устуворлигини барпо этиш бир-бирига яқин ва ўзаро мустаҳкамловчи жараёнлар бўлиши мумкинлигини тан олишдир. Адолат ва демократик бошқарув каби мазмунли натижалар билан қонун устуворлиги ўзаро боғлиқ бўлса, алоқа кучли бўлади. Бу фарқ кўпинча қонун устуворлигининг "нозик" ва "қалин" тушунчалари ўртасидаги қарама-қаршиликка мурожаат қилиш билан тавсифланади. [5]

### ТАДҚИҚОТ МЕТОДОЛОГИЯСИ

Ушбу мақолада фуқаролик жамиятини шаклланиши, унинг институтлари мустаҳкамланиши ва ривожланишида олиб борилган устувор йўналиши таҳлил қилинади ва жаҳон тажрибасини ўрганган ҳолда фуқароларнинг сиёсий ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришда фуқаролик жамияти институтларнинг туган ўрнини такомиллаштириш бўйича таклифлар берилади.

### ТАҲЛИЛ ВА НАТИЖАЛАР

Тадқиқот ишида бугунги кунгача фуқаролик жамиятини ривожлантиришда ҳамда аҳолининг ҳуқуқий онгини шакллантиришда 2016-2022 йилларда олиб борилган қонунчилик ҳужжатлари ва улардаги асосий тушунчалар ва ғоялар таҳлил қилинди. Унга кўра:

<b>Фуқаролик жамияти</b>	ижтимоий муносабатлар жараёнида ўз аксини топиб, мамлакатда демократия, ҳуқуқий давлат ва шахс эркинликларини таъминлашнинг муҳим кафолати бўлиб хизмат қилади
<b>Демократик институтлар</b>	мамлакатимизда демократик қадриятлар ва тамойиллар, инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилади
<b>Нодавлат ташкилотлар</b>	жисмоний ва (ёки) юридик шахслар томонидан ихтиёрийлик асосида ташкил этилган, даромад (фойда) олишни ўз фаолиятининг асосий мақсади қилиб олмаган ҳамда олинган даромадларни (фойдани) ўз қатнашчилари (аъзолари) ўртасида тақсимламайдиган ўзини ўзи бошқариш ташкилоти (Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш

	органлари, маҳаллалар, сиёсий партиялар, оммавий ҳаракатлар, касаба уюшмалари, жамоат бирлашмалари)
<b>Жамоат фонди</b>	юримдик ва (ёки) жисмоний шахслар томонидан ихтиёрий мулкый бадаллар кўшиш асосида ташкил этилган, хайрия, ижтимоий, маданий, маърифий ёки бошқа ижтимоий фойдали мақсадларни кўзлайдиган, аъзолиги бўлмаган нодавлат ноижорат ташкилот [6]
<b>Оммавий ахборот воситалари</b>	газеталар, журналлар, ахборотномалар, бюллетенлар, ахборот агентликлари, телевидение (кабелли, эфиркабелли телевидение) ва радиоэшиттиришлар, хужжатли кино, электрон ахборот тизими, шунингдек, доимий номга эга бўлган, давлат тасарруфидаги, мустақил ва бошқа оммавий даврий нашрлар оммавий ахборот воситаларидир.

### **1-жадвал. Фуқароларнинг сиёсий ҳуқуқларини такомиллаштиришда иштирок этувчи асосий категориялар**

Юқорида санаб ўтилган тушунчалар бугунги кунда мамлакатимизда аҳолининг сиёсий ва ҳуқуқий эркинлигини таъминлашда ва ўз навбатида мамлакатда ислохотларнинг янада самарали кечишини амалга оширишда асосий ўрин тутди.

### **ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР**

Фуқароларнинг сиёсий ва ҳуқуқий маданиятини оширишда демократик институтларнинг роли жамиятда асосий ўринни эгаллайди. Ушбу мақолада нодавлат ташкилотларнинг аҳамияти, оммавий ахборот воситаларининг қонунчилик тамойилларини аҳолига етказишдаги роли, бундан ташқари мамлакатимизда демократик жамият қуришда амалга оширилиши керак бўлган қуйидагича таклифлар берилди:

Биринчидан, мамлакатимизда эркинлаштириш ва фуқароларнинг эркинлиги ва фаоллигини амалда таъминлаш учун муҳим шарт-шароит яратиб бермоқда. Ундан фойдаланиш эса кўп жиҳатдан фуқароларнинг ўзларига боғлиқдир.

Иккинчидан, фуқаролик жамияти қурилиши шароитида фуқароларнинг эркинлигини ва сиёсий фаоллигини ошириш муҳим қонуният сифатида намоён бўлади. Чунки, фуқаролик жамияти қурилиши асосан фуқароларнинг жамият бошқарувидаги иштирокига, унинг вазифаларини ўз зиммасига олиши билан кўп-роқ боғлиқ ҳолда кечади.

Учинчидан, фуқаролар эркинлиги ва сиёсий фаоллигини фуқаролик жамияти қурилишида мавжуд демократик институтлар фаолиятидаги иштирокида аниқ кўриш мумкин.

Тўртинчидан, эркинлаштириш ва фуқароларнинг сиёсий фаоллигини ошириш кенг жабҳали бўлиб, у жамият ҳаётининг барча соҳаларини ўз ичига олади. Хусусан, бугунги ахборотлашган жамиятда «ахборот эркинлиги»ни таъминлаш ҳам унинг устувор йўналишига айланмоқда. Ахборот эркинлигини таъминламасдан, оммавий ахборот воситаларини одамлар ўз фикри ва ғояларини, содир бўлаётган воқеаларга муносабатини эркин ифода этадиган минбарга айлантормасдан туриб демократияни чуқурлаштириш ва аҳолининг сиёсий фаоллигини ошириш, фуқароларнинг мамлакат сиёсий ва ижтимоий ҳаётидаги амалий иштироки тўғрисида сўз юритиб бўлмайди, деган тушунча жамоатчилигимиз ўртасида тобора кучайиб ва мустаҳкамланиб бормоқда. Буни фуқаролик жамияти қурилишининг ўзига хос муҳим қонунияти эканлигини таъкидлаш лозим.

Сиёсий ҳуқуқлар инсоннинг сиёсий ҳаётда ва муносабатларда иштирокини белгилаб беради. Давлатни бошқаришда иштирок этиш ана шундай ҳуқуқлардан биридир. Бунда инсоннинг сиёсий ва ҳуқуқий билимлари ривожланиб боради. Шунингдек, турли хил манфаатларга эга бўлган одамлар билан мулоқотга киришади, улар билан ўрнатилган тартиб-қоидалар асосида фикрлашади ва бу жараёнда маънан бойийди, фикри ўсади, зукколашади, дунёқарашни кенгайтириб боради. Чунки фуқаролик жамиятини шакллантириш – буюк келажак сари қонуний ривожланиб боришнинг йўлларида биридир. Бу йўл ҳар бир фуқародан юксак билим, маънавият ва маърифатни, сиёсий онглилик асосида мустақил фаолият кўрсатишни талаб этади.

## REFERENCES

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 09.01.2019 йилдаги ПФ-5618-сон Фармони. (Decree of the President of the Republic of Uzbekistan No. PF-5618 dated 09.01.2019)
2. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т: Ўзбекистон, 2019. (The constitution of the Republic of Uzbekistan. T: Uzbekistan, 2019.)



3. Турдикулов С. Ўзбекистон Республикаси Миллий ҳуқуқий интернет портали. Ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданият: жамоатчилик қандай фикрда? 15.03.2021. (Turdikulov S. National Legal Internet Portal of the Republic of Uzbekistan. Legal consciousness and legal culture: what does the public think? 15.03.2021.)
4. Massimo Tommasoli, Rule of Law and Democracy: Addressing the Gap Between Policies and Practices. United Nations, September 24, 2012.
5. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 й., 9-10-сон, 141-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 50-51-сон. (Bulletin of the Oliy Majlis of the Republic of Uzbekistan, 2003, No. 9-10, Article 141; Collection of Legislation of the Republic of Uzbekistan, 2007, No. 50-51.)
6. "Strengthening and coordinating United Nations rule of law activities" (A/66/133), 8 August 2011.
7. GRECO Evaluation report in respect of Switzerland (GrecoEval4Rep(2016)5), adopted 2 December 2016, published 15 March 2017, paragraphs 91-101.
8. Democracy and development, The role of UN. September 2013, 9-13 p.
9. Committee of Ministers (2016), "Supervision of the Execution of Judgments and Decisions of the European Court of Human Rights – 2016", 10th Annual Report of the Committee of Ministers, page 12.
10. Statement of Council of Europe Commissioner for Human Rights, 26 January 2017.
11. Commissioner for Human Rights, Memorandum on freedom of expression and media freedom in Turkey, 15 February 2017.
12. Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 27 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. 2019 йил 7 декабрь (Speech by President Shavkat Mirziyoyev at the solemn ceremony dedicated to the 27th anniversary of the adoption of the Constitution of the Republic of Uzbekistan. December 7, 2019)